

ЖАМИЯТ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ИЖТИМОЙ-МАДАНИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ

Серобжон Урмоналиевич ЮЛДАШЕВ

доцент

фалсафа фанлари доктори (DSc)

Фарғона давлат университети

Фарғона, Ўзбекистон

Аннотация

Ушбу мақолада жамиятда ижтимоий-маданий технологияларнинг жорий этилиши нафақат ижтимоий-сиёсий ўзгаришларга, балки мавжуд жамият барча соҳаларидаги динамик жараённинг трансформациялашувига сабаб бўлиши очиқ берилган. Ушбу динамик жараёнлар бошқарилмайдиган ва бошқариладиган стратегик дастурлашга асос бўлади. Бу эса жамият трансформациялашуви бир вақтнинг ўзида кечаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий жараёнларни ўрганиш зарурати билан муҳим эканлиги ижтимоий-фалсафий ўрганилган.

Таянч сўзлар: жамият, ижтимоий-маданий технологиялар, тараққиёт, трансформация, модернизация, ахборот, тараққиёт диалектикаси.

СОЦИОКУЛЬТУРНЫЕ ТЕХНОЛОГИИ ОБЩЕСТВЕННОГО РАЗВИТИЯ

Серобжон Урмоналиевич ЮЛДАШЕВ

доцент

доктор философских наук (DSc)

Ферганский государственный университет

Фергана, Узбекистан

Аннотация

В данной статье раскрывается, что внедрение социокультурных технологий в общество вызовет не только социально-политические изменения, но и трансформацию динамичного процесса во всех сферах существующего общества. Эти динамические процессы составляют основу неуправляемого и управляемого стратегического программирования. Социально-философски изучено, что трансформация общества важна при необходимости изучения социально-политических, социокультурных процессов, происходящих при этом.

Ключевые слова: общество, социокультурные технологии, развитие, трансформация, модернизация, информация, диалектика развития.

Дунё шиддат билан ўзгариб бораётган вақтда жамият тараққиётининг ижтимоий-маданий технологияларини ўрганиш долзарб аҳамият касб этамоқда. Глобал ўзгаришлар таъсирида жамиятнинг трансформациялашуви бир вақтнинг ўзида кечаётган ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-маданий

жараёнларни илмий асосда ўрганишни тақозо этмоқда. Бизнингча, ижтимоий-сиёсий тизимларнинг динамикадаги ўзгаришлари хусусиятлари жамиятда содир бўлаётган ижтимоий-сиёсий жараёнларни ҳисобга олган ҳолда тавсифланади.

Жамиятда айнан ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиёт диалектикаси нуқтаи назаридан “жамият модернизациялашуви” имкониятларини чеклайдиган ҳолатларни кузатиш мумкин. Мамлакат Президенти Шавкат Мирзиёев жамият тараққиётида ижтимоий-маданий технологиялар ва барча соҳаларни технологик жиҳатдан ривожлантиришни мақсад қилиш зарурлигини таъкидлаб, “Биз тақдим этаётган стратегияда юқори технологияларга асосланган, инновацион ва рақамли иқтисодиётга устувор аҳамият берилади...”

Ҳозирги давримиз дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақлли иқтисодиёт” “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётгани билан характерланади. Бу эса жамиятда ўрганилаётган ҳодисанинг динамикаси танланган илмий парадигма ва методологик ёндашувга ижтимоий трансформациялашув сифатида қараш зарурлигини англатади. Технологик тараққиёт жамият юксалишининг ижтимоий-сиёсий жараёнларида тизимли идрок эта олиш қобилиятига боғлиқ бўлади. Жамиятдаги ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиёт диалектикаси тизим ҳолатини тарихий қайта қуриш (ўтмишнинг тавсифи сифатида), футурология (келажакнинг тавсифи сифатида) мавжуд бўлиши мумкин, аммо тизимнинг ҳолатини объектив тавсифлашнинг ўзига хослиги билан ўзарао фарқланиб туради.

Тарихий тараққиётнинг глобаллашув босқичида жамият мазмуни ҳақидаги илмий қарашларни янгича идрок этиш, инновацион ёндашув зарурияти пайдо бўлди. Турли тарихий даврда яратилган жамият тўғрисидаги илмий-фалсафий таълимотларда давр руҳи, жамиятнинг маънавий салоҳияти ўз аксини топган. Ижтимоий-маданий назария ва илмий-фалсафий таълимотлар муттасил жамиятда дуч келган мураккаб муаммоларни ҳал этиш

заруриятдан келиб чиқди. Жамият илғор илмий-фалсафий таълимотлар туфайли илдам ривожланиши билан ҳозиргача амал қилиб келган таълимотлар ўрнига янги инновацион фалсафий таълимотларни яратиш йўлидан борди ва бу ижтимоий эҳтиёжга айланди. Жамият ғоят мураккаб ижтимоий-маданий тузилмадир. У одамлар ўртасида амал қиладиган ахлоқий, диний, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маданий, ҳуқуқий, мафкуравий муносабатларнинг тарихан таркиб топган оила, дин, давлат, ахлоқ, урф-одат сингари ижтимоий-маданий институтлар мажмуасидир. Жамиятнинг моддий ва маънавий ҳаётини бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам, улардан бирини бошқасидан муҳим деб ҳисоблаш ҳам бирдай хатодир. Жамият ҳаётининг маънавий, ижтимоий, маданий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий соҳалари бир-бири билан ўзаро боғлиқ. Уларни бошқариш ва такомиллаштиришда давлат, жамоат ташкилотлари ва кишиларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари муҳим роль ўйнайди. Ҳар бир тарихий даврда жамиятнинг маънавий-интеллектуал салоҳияти, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятига мувофиқ равишда сиёсий бошқариш усули шаклланади ва амал қилади.

Демократик жамият мамлакатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларининг индикатори ҳисобланиб, давлатнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий муносабатларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Ижтимоий рақобат, манфаатдорлик иқтисодий ривожланишнинг муҳим қонуниятлари сифатида амал қилади. Ҳуқуқий давлат демократик жамият маънавий ҳаётини такомиллаштириш, жамиятнинг интеллектуал салоҳияти (жамиятни илмий бошқариш)ни ривожлантириш, илм-фанни тараққий эттириш ҳақида кўпроқ, ғамхўрлик қилади. Давлат жамият маънавий жараёнининг ҳомийси сифатида таълим-тарбия соҳасида ижтимоий-маданий технологиялар ёрдамида демократик мазмундаги ислохотларни амалга оширади. Бу эса жамиятнинг юксак маънавий тараққиётининг асоси ҳисобланади.

Жамият таркибини ижтимоий қатламлар ва гуруҳлар ташкил этади. Жамият ижтимоий-маданий таркибининг хилма-хиллиги меҳнатнинг

ижтимоий тақсимланиши, мулкчилик турли шакллари­нинг мавжудлиги ва ма­даний қадриятлар билан боғлиқдир. Мулкдорлар син­фи демократик жа­миятнинг ижтимоий-ма­даний таян­чи, иқтисодий фаровонликни таъминловчи куч ҳисобланади. Демократик жа­миятнинг шаклланиши ва тараққиётини ҳу­қуқий давлат механизми­сиз тасаввур этиб бўлмайди. Ижтимоий тотувлик ва ма­даний фаровонлик комил инсоннинг шахсий шаклланишида, фуқаролик жа­ми­я­ти асосларини яратишда, ҳу­қуқий са­водхонлик ва шахс ма­дания­тини юксалтиришда му­ҳим элемент ҳисобланади.

Жа­ми­ят­да ижтимоий-ма­даний те­х­но­ло­гия­лар ва те­х­но­ло­гик та­рақ­қи­ёт ди­алек­ти­ка­си­нинг мо­дер­ни­за­ция­ла­шу­ви ҳақи­да про­фес­сор, Бах­ти­ёр А­ма­нов “Таъ­лим­нинг кенг тар­қали­ши, кас­бий ма­ҳо­рат (про­фес­си­о­на­лизм) ку­чайи­ши, ин­тел­лек­ту­ал ма­х­сус касб ин­сти­ту­т­ла­ри шакл­ла­ни­ши, ом­ма­вий ком­му­ни­ка­ция­нинг ри­вож­ла­ни­ши, кен­гай­иб бо­раёт­ган иж­ти­моий ма­кон­га мос­ла­шиб бо­рув­чи ян­ги ин­ди­ви­ду­ал о­дат­лар, қи­зи­қи­ш­лар жа­б­ҳа­си­нинг кен­гайи­ши, фан ва те­х­ни­ка­га иш­он­ч­нинг оши­ши ва ин­сон қа­др-қим­ма­ти­га му­но­са­бат­нинг ўз­га­ри­ши со­дир бў­ла­ди” [2;14], деб таъ­кид­лай­ди. Бу э­са жа­ми­ят­да иж­ти­моий-ма­даний те­х­но­ло­гия­лар та­рақ­қи­ёт ху­су­сия­ти­га э­га экан­ли­гини бил­ди­ра­ди. Биз­нинг­ча, жа­ми­ят та­рақ­қи­ё­ти жа­ми­ят­нинг ян­ги си­фат пре­д­ме­ти бў­либ, у­нинг тар­ки­би ва струк­ту­ра­си ҳам­да иж­ти­моий ало­қалар­нинг ўз­га­ри­ш шак­ли си­фати­да на­моён бў­ла­ди.

Жа­ми­ят та­рақ­қи­ётининг бу­гун­ги ри­вож­ла­ни­ши ва эр­тан­ги ке­ла­жа­ги ах­борот ма­ко­ни­да­ги иж­ти­моий гу­ру­ҳ­лар ва та­ба­қалар­нинг ў­заро ало­қадор­ли­ги­га боғ­лиқ бў­ла­ди. Бу билан фан, ма­да­ния­т ва таъ­лим са­вия­си­ни кў­та­ра­ди, маъ­на­вият­нинг ў­си­ши­га, қонун, маъ­на­вият ва де­мо­кра­тия­нинг усту­вор­ли­гини таъ­мин­ла­ш­га кў­мак­ла­ша­ди. Шун­дай қи­либ, бу­гун­ги кун­да ах­борот – бу уму­мин­соний қа­д­рият, фуқаролик жа­ми­я­тининг аж­рал­мас эле­мен­ти­дир. Шу ў­рин­да, та­д­қи­қот­чи­лар фик­ри­га эъ­ти­бор бе­риш ке­рак, “Ах­борот ти­зим­ли ак­си­оло­гик, се­ми­отик, ком­му­ни­ка­тив, на­за­рий-акс эт­ти­рув­чи ма­змун­га э­га. Де­мак, ти­зим­ли мо­дел­ла­ш­ти­ри­ш­да ин­сон­нинг им­ко­ният­ла­ри кен­га­я­ди, на­за­рий таҳ­лил уни ори­ги­нал об­ъ­ект­га хос ҳо­лат­га

яқинлаштиради. Тизимли моделлаштиришнинг муҳим вазифаси эксперимент, моделлаштириш натижаларини оригинал объектга кўчириш ҳисобланади. Шу тарзда, тизимли моделлаштириш фанлараро характерга эга, у ижтимоий жараёнларнинг муҳим интегратив функциясини бажаради” [3; 37.]. Бу билан жамиятда ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиёт диалектикаси инновацион ғояларга ҳам боғлиқ бўлади. ахборотлашган жамиятнинг шаклланиши ва ривожланиши ҳақидаги янги концепцияларда ижтимоий тараққиётнинг асосий омили ишлаб чиқариш ва ахборотдан унумли фойдаланиш зарурлиги таъкидланади. З.Бжезинский, Д.Белл, Э.Тоффлер жамият тараққиётини “босқичлар алмашинуви” сифатида ўрганар эканлар, ахборотлашган постиндустриал жамият тараққиётини, кишлоқ хўжалиги, саноат ва бошқа иқтисодий хизмат соҳаларидан кейин келувчи “Тўртинчи” иқтисод ахборотлашган секторининг устуворлиги билан боғлайдилар. Бу айнан жамият тараққиётининг ижтимоий-маданий технологияларига асосланган ҳолда юксалиб боришини билдиради.

Жамиятда ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиётнинг янги ҳолатини, унинг алоҳида белгиларини таҳлил қилган ҳолда аниқлаш лозим эканлиги билан аҳамиятли ҳисобланади.

Жамиятда ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиёт диалектиканинг қарама-қаршиликлар бирлиги ва кураши қонуни, миқдор ва сифат ўзгаришларининг бир-бирига ўзаро ўтиш қонуни алоҳида аҳамиятга эга ҳисобланади. Жамиятда ижтимоий-маданий технологиялар ва технологик тараққиёт диалектикасида фаолиятни ташкил қилиш, уни аниқ белгиланган таърифларини, мантиқий тузилмаси ва унинг амалга ошириш жараёни сифатида давр (вақт) тузилмасига эга бўлган яхлит тизимга тартиблаштириш, бизнингча, бу ерда диалектиканинг “тарихий (даврий) ва мантиқий” категориялари жуфтлиги фойда беради.

Жамиятда технологик тараққиёт натижасида миқдор ўзгаришларининг сифат ўзгаришларига ўтиши тўғри ёндашув эканлигини кўриш мумкин. Бунинг устувор йўналиши сифатида “Иқтисодиёт тармоқлари ва давлат

бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш ва телекоммуникация тармоқларини кенгайтириш орқали мамлакат иқтисодиётининг рақобатбардошлигини янада ошириш мақсадида электрон ҳукуматни янада ривожлантириш муҳим вазифалардан ҳисобланади. Бунда мамлакат миқёсида сифатли ва талаб юқори бўлган электрон давлат хизматларини янада кенгайтириш, босқичма-босқич барча давлат хизматларини рақамли шаклга ўтказиш, шу жумладан кўрсатилаётган автоматлаштирилган хизматлар улушини 2030 йилга қадар 90 фоизга етказиш лозим [1;184.]лиги белгиланмоқда. Давлат бошқаруви тизимига замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш билан ижтимоий-маданий технологияларни қўллаш ва уларни тараққиёт диалектикаси билан боғлаш лозимлиги муҳим аҳамиятга эга.

Шу ўринда ижтимоий технология – маълум ижтимоий аҳамиятли мақсадларга эришиш йўлида инсон мақсадли фаолиятини амалга ошириш усули. Ушбу усулнинг моҳияти – бу бажариладиган ишлар ва операцияларни келгусида координациялаш (мувофиқлаштириш) ва синхронизациялаш (баб-баравар) ҳамда рационал онгли тақсимлашдан иборат. Бундай тақсимлаш (бўлиш) аввалдан, онгли ва режали илмий билимлардан, илғор тажрибалардан, шунингдек инсон фаолияти амалга ошириладиган соҳаларнинг ўзига хослигини олган ҳолда амалга оширилади.

Ижтимоий технология икки хил шаклда юзага чиқади: бажариладиган ишлар ва операциялар дастури сифатида (уларнинг мазмуни – фаолият кўрсатиш усуллари, воситаларидан иборат) ва фаолиятнинг дастурига мувофиқ тузилганлигини билдиради. Дастурнинг ўзига хослиги технологизациялаш фаолиятининг йўналиши ва мазмунини жуда муҳим тарзда олдидан белгилаб беришида ифодаланади.

Ижтимоий технология маданиятнинг элементи ҳисобланади ва икки йўл билан пайдо бўлади: ижтимоий маданий муҳитда эволюцион тарзда “ўсиб” чиқади ёки унинг қонунлари асосида сунъий ташкилий қурилади, вужудга келади.

Махсус илмий адабиётларда “ижтимоий технология” категориясига кўплаб таърифлар берилган. Ижтимоий технология методологиясининг асосчиларидан бири Н.Стефанов ижтимоий технологияни фаолият сифатида таърифлайди. Унинг натижасида қўйилган мақсадга эришилади ва фаолият объекти ўзгаради. Файласуф олим В.Афанасьев ижтимоий технологияни бошқарув механизмининг муҳим элемент сифатида кўриб чиқади, зеро ижтимоий технология объектив қонунларнинг талабларини ижтимоий бошқаришнинг ижтимоий амалиёт тилига кўчириш-ўтказиш воситаси ҳисобланади. Бу кўчириш абстракт фаннинг тили бўлиб, жамият ривожланишининг объектив қонуниятларини акс эттиради, инсонларни рағбатлантирувчи, тартибга солувчи, аниқ қарорлар, меъёрлар, кўрсатмалар тилида ифодалайди. Бу муайян аниқ инсонни олдинга қўйилган мақсадларга энг яхши натижаларига эришишини таъминлайди. Демак, В.Афанасьев фикрича, ижтимоий технология жамиятда амал қилаётган қонун ва қоидаларни амалиётда, яъни ижтимоий ҳаётда тадбиқ этилишнинг усуллари, меъёрий даражалари ва хусусиятларини ифодалайди. Ижтимоий субъектларни мақсадли тарзда ўзгартириш инсон фаолиятини энг муҳим характеристикасини (маълумотини) ифодалайди [5;54.].

Хулоса қилиб айтганда, жамиятнинг ижтимоий-сиёсий ва маънавий ҳаёти даражаси ортиб борган сари, жамоатчилик ва оммавий онгнинг роли ҳам ошиб боради. Бунда *биринчидан*, мамлакатдаги ислоҳотларни янада ривожлантиришда уларнинг ижтимоий-сиёсий хулқ-атворини белгилайдиган субъектив, сиёсий ва психологик механизмларни ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилиши тақозо этилади.

Иккинчидан, жамиятнинг янгиланиши даврида ижтимоий тизимнинг янги элементлари эски элементлар билан бир муддат бирга яшайди ва интеграциялашган сўнг мутлақ янгиланади.

Учинчидан, жамиятдаги сиёсий барқарорлик кўп жиҳатдан жамоатчилик кайфиятига, омманинг янги ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий тартибни қабул қилишга (ёки қабул қилмасликка) тайёрлигига боғлиқ

бўлади. Бунда ҳаётнинг янги шароитларига жамиятнинг мослашишини тўлик ва сўзсиз қабул қилишни аниқлашди.

Тўртинчидан, жамият аъзолари аста-секин маълум янги шароитларга мослашадилар, эски ва янги шаклларни ўзгартиришда ижтимоий-маданий технологиялари ижтимоий-психологик стереотипларни, кадрларни ўзгартиришда аҳамиятли ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Мирзиёев Ш.М. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2022.
2. Амонов Б. А. Жамиятни модернизациялаш концептуал моделларининг сиёсий-фалсафий таҳлили: сиёсий фанлар доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2019.
3. Абдусаттарова С. Своеобразные особенности моделирования социальных процессов в развитии гражданского общества: автореферат диссертации доктора философии (PhD) по философским наукам. – Тошкент, 2021.
4. Бжежинский З. Великая шахматная доска. – Москва: Международные отношения, 1998.
5. Афанасьев В.Г. Социальная информация и управление обществом. – Москва, 1975